

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

№ 002/22

2022 йил "1" 01

22/5 -сон

Навоий шаҳар
(шартнома тузилган манзил)

"Навоий худудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ (кейинги ўринларда "Корхона" деб аталади)нинг низоми асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Б.Исломов, бир тарафдан ва

Изоғулжон Н.И.И.
(Электр энергияси истеъмолчисининг номи)

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади)нинг Изоғулжон Н.И.И. асосида фаолият юритувчи раҳбари Изоғулжон Н.И.И. иккинчи тарафдан
("Истеъмолчи" раҳбарининг номи Ф.И.Ш.)

мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

Ушбу шартнома билан "Корхона" тармоқлари орқали электр энергиясини (кейинги ўринларда - энергия деб аталади) "Истеъмолчи"га етказиб бериш, "Истеъмолчи" эса истеъмол қилинган энергия ҳаққини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

II. Етказиб берилган энергия ҳисоби

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

актив 44270,000 кВт.с., реактив — кВар.с. ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий нархи 450 то тариф тариф тури: тариф
табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПП-3379 қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тариф (кераклиси ёзилсин)

бўйича 21271500000 сўмни ташкил этади.

2.3. Истеъмолчининг ойлар кесимида бўлинган йиллик энергия ҳажми ушбу шартноманинг 1 иловасида келтирилган.

2.4. "Истеъмолчи" томонидан ҳақ тўланиши лозим бўлган ҳақиқий қабул қилиб олинган энергиянинг ҳажми ҳисобга олиш асбобларининг (кейинги ўринларда- ҳисоблагичлар деб аталади) кўрсаткичлари асосида ушбу шартноманинг

2-илоvasида назарда тутилган тартибда аниқланади.

2.5. Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарори 1 иловасида белгиланган рўйхат асосида табиий монополия субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатиладиган истеъмолчилар учун энергияни минимал йиллик ҳажми _____ кВт/соат ташкил этади.

III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПП-3379 қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тегишли тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган "Истеъмолчи" (бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – ўрнатилган тариф бўйича;

тигиз пайт – энг катта юкламани соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламани соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6-00 дан 9-00 гача, кечки энг катта миқдор соат 17-00 дан 22-00 гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;